

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Тошкент архитектура-қурилиш институти  
"ЎЗБЕККУРИЛИШЛОЙИЧА" МЧЖ

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
қўлидаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари  
бўйича ўқув-услубий бирлашмалар йўналишини Муассификациянинг  
қончилиги 2021 йил 18/08 даги 386-сонли йўналишда  
таълим.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг  
2021 йил 18/08 даги 386-сонли буйруғи билан тасдиқланган.

**60730100 – Архитектура (турлари бўйича) бакалаврият таълим  
йўналишининг малака талаблари**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Маъмур малака талаблари "Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти.  
Асосий қондалар", "Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари  
классификатори", Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамжасига  
мувофиқ шундан иборат раъсий жамъарий-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқда раъсий ҳол шун ҳуқуқи  
Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг  
тегишлидир.

Тошкент

**ЎзР ОЎМТВ**  
Буйруқ № 386  
"18" 08 2021 йил

### **ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Тошкент архитектура-қурилиш институти
- “ҚИШЛОҚҚУРИЛИШЛОЙИХА” МЧЖ Бош лойиҳа кидирув институти.

### **ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «17» 08 даги 3 - сонли йиғилишида маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «18» 08 даги 356- сонли буйруғи билан тасдиқланган.

### **ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур малака талаблари “Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

## МУНДАРИЖА

Т/р		бет
1.	60730100-Архитектура (турлари бўйича) бакалаврият таълим йўналишининг умумий тавсифи.....	4
1.1.	Қўлланиш соҳаси .....	4
1.1.1	60730100-Архитектура (турлари бўйича) таълим йўналиши Малакаталабининг қўлланилиши.....	4
1.1.2	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2.	60730100-Архитектура(турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи.....	4
1.2.1	60730100-Архитектура(турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг соҳалари.....	4
1.2.2	60730100-Архитектура (турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари.....	5
1.2.3	60730100-Архитектура(турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари.....	5
1.2.4	60730100-Архитектура(турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.....	5
2.	60730100-Архитектура(турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....	7
2.1.	Умумий компетенциялар.....	7
2.2.	Касбий компетенциялар.....	7
	Библиографик маълумотлар.....	8
	Келишув варағи.....	9

## **1. 60730100 – Архитектура(турлари бўйича) бакалаврият таълим йўналишининг умумий тавсифи**

**60730100-Архитектура(турлари бўйича)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги таълим шаклида амалга оширилади. Таълим шаклида ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалаврият дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

### **1.1. Қўлланиш соҳаси**

**1.1.1. 60730100-Архитектура(турлари бўйича)** таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби **60730100-Архитектура(турлари бўйича)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

### **1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:**

– мазкур таълим йўналиш бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари(ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;

– битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

–таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

– олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

–кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

– олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг она-оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

**1.2. 60730100-Архитектура(турлари бўйича)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.

**1.2.1. 60730100-Архитектура(турлари бўйича)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

**Архитектура (турлари бўйича)** бакалаврият таълим йўналиши – фан, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги йўналиш бўлиб, архитектура қурилиш соҳасида, бино ва иншоотлар лойиҳавий ечимларни яратиш, шаҳарсозлик, транспорт ободонлаштириш, ландшафт тизимларини лойиҳалаштириш, архитектура ёдгорликларини таъмирлаш ва қайта тиклаш, саноат, қишлоқ хўжалигикорхоналарини биноларни барпо этиш ва эксплуатация қилиш билан боғлиқ мажмуий масалаларни ечиш, ушбу йўналишдаги мутахассисларни тайёрлашдаги инсон фаолияти, усуллари, методлари мажмуасини қамраб олади.

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгартиришлар бўлиши мумкин.*

**1.2.2. 60730100-Архитектура(турлари бўйича)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:

– Бино ва иншоотлар, шаҳарлар, шаҳарсозлик ва ландшафт объектлари, бино ва иншоотлар бош режалар ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи ташкилотлар, архитектура қурилиш назорати инспекцияларида, барча вилоят, шаҳар ва туман архитектура қурилиш

бошқармалари, архитектуравий бюралар, қурилиш вазирлиги структурасидаги лойиҳалаш ташкилоти ва институтлари, муассасалари.

**1.2.3. 60730100-Архитектура(турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари**

- ишлаб чиқариш-технологик;
- ташкилий-бошқарув;
- лойиҳавий-конструкторлик;
- илмий-тадқиқот;
- педагогик (умумий ўрта ва ўрта махсус профессионал, техникум таълими тизимида) кабиларни ўз ичига олади.

**1.2.4. 60730100-Архитектура(турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.**

60730100-Архитектура(турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалаврият битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

**Ишлаб чиқариш-технологик фаолиятида:**

– қурилиш, таъмирлаш ва реконструкция ишларини амалга ошириладиган ҳудудларни қурилишга тайёрлаш;

– бино ва иншоотлар эскиз, ишчи лойиҳаларини яратиш ва барча лойиҳавий бошқичларни замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириш ва қўллаш;

– бино ва иншоотларни лойиҳалаш, қуришда ва эксплуатацияда меъёрий маъмурий ҳужжатларни тузиш ва сифатини назорат қилиш;

– шаҳарсозлик, ландшафт, урбанизация, режалаштириш масалаларидаги лойиҳа ҳужжатларидан фойдаланиш ва техник иқтисодий баҳолашни ўқий олиш қобилиятига эга бўлиши;

– қурилиш материаллари, конструктив ечимлари, муҳандислик коммуникация тизимларини қурилиши ва тизимлардан фойдаланиш жараёнларида технологик интизомга риоя қилинишини назорат қилиш;

– турар-жой, жамоат ва саноат бинолари қурилишида технологик, меҳнат хавфсизлиги интизомга риоя қилинишини назорат қилиш;

– турар-жой, жамоат ва саноат биноларининг лойиҳасида техник ҳужжатларни (ишларни бажариш графиклари, йўриқномалар, режалар, сметалар, материал ва жиҳозларга буюртмалар) тузиш;

– илмий ва амалий фаолиятда автоматлаштирилган тизимларнинг инструментал воситалари ва муҳитларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш **қобилиятларига эга бўлиши лозим.**

**Ташкилий-бошқарув фаолиятида:**

– бино ва иншоотлар лойиҳалаш ва қуриш тизимларининг фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ қилиш;

– Ишчи лойиҳалар ва комплекс лойиҳа ҳужжатларини бошқаришда замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ технологик жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш услублари ва механизмларини ишлаб чиқиш;

– ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ва механизмларини ишлаб чиқиш;

– атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;

– бинолардан конструктив, энергиятежамкор ресурсларни тизимли амалиётга татбиқ қилиш;

- ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;
- фикрлар ҳар хил бўлган шароитда бошқарув қарорини қабул қилиш;
- бажарилаётган иш режасини тузиш ва бу ишни назорат қилиш, ишни бажариш учун зарур бўлган ресурсларни режалаштириш, ўз ишининг натижаларини баҳолаш;
- ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф–муҳитни ва меҳнат хавфсизлигини назорат қилиш тизими талабларига мослигини мониторинг қилиш *қобилиятларига эга бўлиши лозим.*

#### **Лойиҳавий-конструкторлик фаолиятида:**

– бино ва иншоотлар лойиҳалаш, шаҳарсозлик, ландшафт ободонлаштириш, транспорт инфраструктураси муҳандислик тизимларини лойиҳалаш борасида тасаввурга эга бўлиши;

– турар-жой, жамоат ва саноат бино ва иншоотларини лойиҳалаш бажариш ва назоратга олиш;

– замонавий қурилиш материаллари, инновацион ёндошув, иқлим, муҳит, рельеф масалаларини тизимли таҳлили ва лойиҳавий босқичларда ҳисобга олиш ҳамда замоанвий АКТ фойдаланиш ва конструкциялаш;

– лойиҳавий ва ишчи техник ҳужжатларини тайёрлаш, яқунланган лойиҳавий-конструкторлик ишларини расмийлаштириш;

– ишлаб чиқилувчи лойиҳалар ва техник ҳужжатларни вазифалар, стандартлар, меъёрлар, техник шартлар ва бошқа ижро ҳужжатларига мувофиқ келишини таъминлаш *қобилиятларига эга бўлиши лозим.*

#### **Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

– архитектура қурилиш соҳасида шаҳарлар худуди, шаҳарсозлик, бино ва иншоотлар лойиҳалаш соҳасига оид техник воситалар, тизимлар, жараёнлар, қурилмалар, материаллар ва архитектуравий услублар, замонавий конструктив ечимларни амалиётга татбиқ этиш, архитектура назарияси ва тарихи, замонавий архитектура ечимларни илмий асосланишда ва зарур бўлган ташкилий ишларда иштирок этиш;

– бино ва иншоотлар лойиҳалашда, янги архитектуравий ечимларни яратишда ва амалиётга татбиқ этишда илмий манбаларни ўрганиш, янги замонавий ахборот технологиясини амалий жараёнда ва зарур бўлган ташкилий ишларда фаол қўллаш;

– республика ва ҳорижда чоп этилган архитектура қурилиш соҳасига оид илмий-техник ахборотларнинг илмий манбаларини ўрганиш;

– илмий-тадқиқот ва амалий лойиҳа ишларини бажаришда бевосита иштирок этиш;

– мавзу (топшириқ) бўйича илмий-техникавий маълумотларни йиғиш, ишлов бериш, таҳлил қилиш ва олинган маълумотларни тизимлаштиришда иштирок этиш;

– интернет тармоғидан энг янги илмий, конструктив ва технологик, ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналтирилган ҳолда қидириб топа олиши керак;

– илмий-тадқиқот, ишлаб чиқариш жамоасида илмий натижаларини ва ишланмаларни амалиётга татбиқ этишда ва касбий фаолият масалаларини ечиш *қобилиятларига эга бўлиши лозим.*

#### **Педагогик фаолиятида (умумий ўрта ва ўрта махсус профессионал, техникумлар таълими тизимида):**

– умумий ўрта, ўрта махсус профессионал, техникумлар таълим тизимининг таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб назарий ҳамда амалий машғулотларни ўтказиш;

– ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказилишига кўмаклашиш, тадқиқотларда иштирок этиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш;

– интернет тармоғида ўқитиладиган фанлардан энг янги дарслик ва ўқув материалларини қидириш, топиш ва ўқув жараёнига татбиқ этиш;

- ўқитилаётган фанлар бўйича дарс машғулотларини ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик хужжатларни шакллантириш, тузиш ва уларни тадбиқ этиш;
- мустақил таълим ва ижодий қидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги методлар, воситалар ва шакллар жабҳаларида ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш **қобилиятларига эга бўлиши лозим.**

## **2. 60730100-Архитектура(турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

### **2.1. Умумий компетенциялар:**

- давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятга оид хужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана били;
- ахборот технологияларни касбий фаолиятида қўллаш билиши, ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усуллари эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;
- янги билимларни мустақил эгаллаш билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;
- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тасаввурга эга бўлиш.

### **2.2 Касбий компетенциялар:**

- меъёрий-ҳуқуқий хужжатларни излаш, таҳлил қилиш ва улардан касбий фаолиятида фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиши;
- бино ва иншоотларни лойиҳалаш, лойиҳа хужжатларини амалиётга тадбиқ этиш, лойиҳалаш ва эксплуатацияси, ҳамда тизимдаги ишчи жараёнларни бошқариш кўникмаларига эга бўлиш;
- архитектура соҳасидаги муҳим янгилик, ёндошув ахборотларни анализ қилиш, ўз устида мунтазам ишлаши, жамиятда, дунёда кечаётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши ҳамда илмий асосда ҳаётда ва касб фаолиятида фойдалана билиши;
- турар жой, жамоат ва саноат биноларида конструктив ва композицион ечимларида тизимли лойиҳалаш босқичлари ва улардан фойдаланиш ва амалиётга қўллаш билиш;
- тегишли бакалаврият йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликга эга бўлиши;
- турар-жой, жамоат ва саноат биноларининг лойиҳалаш босқичларида техник хужжатларни (ишларни бажариш графиклари, ШНК, ҚМҚлардан фойдаланиш, режалар, сметалар, материал ва жиҳозларга буюртмалар) тузишни билиш;
- намунавий технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни амалда қўллаш;
- илмий ва амалий фаолиятда олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишла олишга, муҳитларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш;
- бино ва иншоотлар лойиҳалаш босқичлари, барча бўлимлар тизимли фаолияти сифатини бошқариш ва тадбиқ қилиш кўникмаларига эга бўлиш;
- янги инновацион ёндошув, илмий асосланган билимларни мустақил эгаллаш билиши, амлаий лойиҳа ишларида мустақил фикрга эга бўла олиши ҳимоя қилиши, рақобатбардош кадр бўлишга ва умумкасбий тайёргарликга эга бўлиши;

• ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ва механизмларини ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўлиш.

## Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

---

### Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, бакалавриятнинг асосий ўқув режа ва фан дастурлари (бакалаврият дастури), профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув даври, архитектура, архитектура назарияси ва тарихи, архитектуравий ашёлар, архитектуравий композиция ва графика, бино ва иншоотлар, шаҳарсозлик, ландшафт архитектураси, конструкция технология, малака талаблари, бакалавриятнинг ўқув жараёни, сифатни баҳолаш ва назорати, мустақил таълим, ишлаб чиқариш, ташкилий-бошқарув фаолияти, ималака амалиёти, битирув малакавий иши, давлат аттестацияси, ўқув фанлари блоки, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, бошқарув жараёни, ишлаб чиқариш, лойиҳалаш, илмий-тадқиқот жараёни.



КЕЛИШУВ ВАРАҒИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Тошкент архитектура-қурилиш институти

Ректор  Р.Р.Ҳақимов

2021 йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_



“Қишлоқ қурилиш лойиҳа” МЧЖ

Директор  И.С.Ахмедов

2021 йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

М.Ў.



КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
хузуридаги Олий таълимни  
ривожлантириш тадқиқотлари ва  
илғор технологияларни татбиқ этиш  
маркази

“Тошкентбошплан ЛИТИ” ДУК

Директор в.б.  М.Х.Эсонов

2021 йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

М.Ў.




Директор  Р.С.Шарифов

2021 йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

М.Ў.



“AZIZ PROJEKT” МЧЖ

Директор  А.М.Умаров

2021 йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

М.Ў.

